

КАРИМ БОЛТАЕВ

Каримберди Болтаев 1901 йил Хива шаҳрида ипакчи ҳунарманд Болта Бобожонов оиласида дунёга келган. У аввал, эски мактабда, сўнг нўғай мактабида таълим олиб, рус тилини ўрганди. Айни пайтда 10 ёшидан отасининг ҳунарини тутиб, меҳнатда чиниқди. 1920 йилда Хива хонлиги ағдарилгач, комсомол ёшлар ташкилотига жалб этилди ва совет партия мактабини битирди.



1921 йилдан компартия аъзоси бўлган Карим Болтаев 1923-24 йилларда XXСР комсомол қўмитаси котиби ҳамда Хоразм ОГПУ бошлиғи лавозимларида фаолият юритди. У 1925 йил Хоразм вилояти инқилобий қўмитаси раиси вазифасига тайинланади ва 1926-27 йиллар давомида Хоразм вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби вазифасида ишлади. Шундан сўнг 1928-1929 йиллар давомида у Москвада Сталин номидаги Шарқ меҳнаткашларининг коммунистик университетида ўқиуди. Карим Болтаев 1929 йилдан ЎзССР компартияси марказий қўмитасида қишлоқ хўжалиги бўлими мудири, кейинроқ Фаргона округ партия қўмитаси биринчи котиби вазифасига тайинланади. У 1930 йил охиридан 1934 йилгacha ЎзССР Ер ишлари халқ комиссари лавозимида иш олиб борди. Бироқ, 1934 йилги партияда ўтказилган “тозалаш” вақтида у қаттиқ танқидга учрайди ҳамда А.Икромов тавсияси билан яна Москвага марксизм курсига ўқишига юборилади.

Карим Болтаев 1936 йилнинг 5 октябридан Андижон шаҳрига партия қўмитаси биринчи котиблигига тайинланади ва 1936-37 йиллар давомида мазкур лавозимда иш олиб боради. 1937 йил 2 сентябрь куни эса Қорақалпогистон вилояти партия қўмитаси котиби этиб тайинланади. У мазкур вазифада бор йўғи 38 кун ишлай олди, холос¹.

¹Шарип Бабашев. Қарағалпақстан Республикасы тарихындағи сиясий курбанлар. Нукус “Қарақалпогистон”. 2003. 174 б.

1937 йил 2 октябрь куни ЎзССР НКВД раиси ўринбосари Леонов терговчи Резяпов ва Лисицинлар томонидан тайёрланган қарорни тасдиқлади. Унда Қорақалпоғистон вилояти партия котиби Карим Болтаевни аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида ЎзССР ЖКнинг 60, 67 моддаларида қўзда тутилган жиноятлар билан айблаб қамоққа олишга қарор қиласидар.

1937 йил 8 октябрь куни Карим Болтаевни қамоққа олиш учун ордер олинди. 8 октябрь кунининг ўзида Тўрткўлкўлда унинг уйидаги тинтув ўтказилди ва Карим Болтаевга тегишли паспорт, хужжатлардан тортиб, хатто, шахсий буюмлари жомадон, кўйлак, брук, галстук, туфлиларигача хатлаб олиб кетилди. Унга тегишли 633 сўм пул ҳам давлат фойдасига мусодара қилинди.

Карим Болтаевнинг 1937 йил 18 октябрь куни тўлдирилган анкетасидан маълум бўлишича унинг хотини Ойжон (30 ёш) ҳали Андижон шаҳридан кўчиб келиб ҳам улгурмаганди. У ўғли Комбўл (10 ёш), Фрунзе (7 ёш), қизи Саломат (2 ёш)лар билан Андижонда яшаб, болалар боғчасида ишлаган. Отаси Болта Бобожонов Хивада яшаб, хизматчи бўлган.

1937 йил 30 октябрь куни Ақжигитов Карим Болтаевнинг жиноий иши материаллари билан танишиб, унга бирорта арзирли далилларсиз ЎзССР ЖКнинг 60, 67 моддаларини қўллади.

1937 йил 17 ноябрь куни ўзининг ҳалол, захматли меҳнати орқасидан советлар давлатининг шарафли унвони “Қизил байроқ” ордени соҳиби бўлган Карим Болтаев билан илк сўроқ ўтказилди. У азоб ва таҳқирлар исканжасида ўзи тушида ҳам кўрмаган жиноятлари битилган, тухматлар билан тўла қоғозларга иложсиз имзо чекди. Унда ўзининг 1928 йил Москвада Акбар Исломов ва Акмал Иқромовлар томонидан аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига тортилганини, 1931 йил Кўқонда экиш ишлари билан юрганида Абдуллажон Каримовдан аксилинқилобий кўрсатмалар олганини “тан олади”. Аксилинқилобий махфий ташкилотнинг 36 нафар аъзосини ва Андижонда ўзи томонидан бу махфий ташкилотга тортилган яна

20 кишини номма-ном “баён қилади”. Шундан сўнг амалга оширган бошқа жиноятларини ҳам “санаб ўтади”. Жумладан, 1930 йилдан Ер ишлари халқ комиссари бўлган ва А.Икромовнинг “ўзимизнинг одам” дегани учун Зелкина билан ҳаммаслаклиқда иш олиб борган. Республикада сув ишларини тартибга олишда миллионлаб давлат пулларни йўқ қилиб юборганини “бўйнига олади”. Шунингдек, троцкийчи СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги пахта ишлари бўлими мудири Рейнгольд билан А.Икромов ва Зелкиналарнинг яқинлигига “тўхталади”. 1934 йилги “чистка” вақтида Карим Болтаев ўзининг оғир аҳволда қолгани ва ундан А.Икромов ёрдамида қутилиб, Москвага йўл олганини қистириб ўтади. Шубҳасиз, бу “икронома” К.Болтаевга аatab ёзилган ва Акжигитов, Резяповларнинг темир мушти билан ҳақиқатга айлантирилган эди.

1937 йил ноябрь ойида ЎзССР НКВДсининг 3-бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Лисицин юқоридаги муваффақиятли “сўроқ баённомаси”дан сўнг Акжигитов тайёрлаган яна бир қарорни тасдиқлади. Унда К.Болтаевни савдогарнинг ўғли, террорчи, жосус, катта миқдорда давлат мулкини ўғирлаган каби айловлар билан унга ЎзССР ЖКнинг 57-1, 63, 67 моддаларини ҳам қўшиб қўяди.

Шундан кейин ишга 1937 йил 16 сентябрь куни Бўтабой Дадабоевга имзолатилган, 1937 йил 20 октябрь куни Олим қори Шокировга имзолатилган, 1937 йил 19 август куни Карим Сафоевга имзолатилган, 1937 йил 14-16 октябрь кунлари Манон Рамзга имзолатилган “кўрсатмалардан” ҳам нусхалар тикилди. Уларда гўёки Карим Болтаевнинг “Миллий истиқлол” аксилинқилобий ташкилотига аъзо бўлганлиги ўз аксини топган эди. Шу ўринда 1937 йил 15 сентябрь куни Д.Ризаевга имзолатилган сўроқ баённомасига тўхталсақ, унда Д.Ризаевнинг фикри шуки, А.Икромовнинг ҳеч қандай аксилинқилобий ташкилоти бўлмаган. Аммо, Акмал Икромовнинг “ўз одамлари” бўлган. Ўша рўйхатда “аксилинқилобий ташкилот аъзолари” сифатида кўрсатилган М.Шермуҳаммедов, М.Усмонов, К.Шарипов каби 39 нафар давлатнинг юқори мансабларидаги инсонлар А.Икромовни фақат

ўзларининг тозза қалби билан қадрлашларини таъкидлайди. “Бу ҳеч бирғаразсиз, синалган дўстлик самарасидир. Улар ҳеч қачон Акмалга, Акмал эса уларга хиёнат қилмайдилар. Шахсан мен уларнинг барчасини, А.Икромовни ҳам умрбод ҳақиқий ватанпарвар, буюк инсонлар деб биламан”, дейди. Албатта, чин инсоний туйғулардан маҳрум совет терговчилари бу каби сўзларни ўз маъносига тушуна олмас эдилар. Балки, уларнинг тўғри тушунишларини хукмрон партиянинг ўзи истамагандир.

Шундан сўнг ишга бир қатор тўқима маълумотномалар ҳам тиркалди.

1938 йил 18 февраль куни К.Болтаев Тожихон Шодиева билан, 1938 йил 2 октябрь куни Исломбек Арслонбеков билан юзлаштирилди. Бироқ, бу иш муваффақиятсиз тугади. Тарафлар ўзларига қўйилган айбларни тан олмадилар.

1938 йил 28 сентябрь куни К.Болтаевга ўзининг жиноий иши кўрсатилди. У эса ишни ёпишларини сўраб, “бошқа қўшимча қила олмайман, терговга эътиrozим йўқ” деб ёзиб, имзолади.

ЎзССР компартияси масъул идораси айни пайтда ўз аъзолари тақдири билан қизиқиш ўрнига ЎзССР НКВДга Камол Шарипов, Зият Агаев, Олим Шокиров, Карим Болтаев, Хожаметов ва Олимжон Кодирийларнинг партбилетлари тортиб олинганлиги ҳақида хабар беради холос.

Карим Болтаевнинг “Айлов баённомаси”ни 1937 йил 26 декабрь куни ёзилганидек Апресян эмас, унинг ўрнига имзоланган санаси кўрсатилмаган ҳолда ўринбосари Леонов, СССР генпрокурори Вишинский ўрнига эса 1938 йил 3 октябрь санаси билан унинг ёрдамчиси имзо чекди. Аввалги ЎзССР ЖКнинг 57-1, 64-, 67- моддалари 58-, 64-, 63-, 67 - шаклида қаламда тўғриланди. Бироқ, К.Болтаевга аввал бошдаги қўйилган айловларга ҳеч қандай арзирли ўзгариш киритилмади. Иш 1938 йил 3 октябрда машъум “учлик” суди ихтиёрига топширилди. 1938 йил 4 октябрь куни соат 10 40- 10 55 гача чўзилган суд К.Болтаевни отувга буюрди. “Учлик” суди ўрта аср “жаллодлари” анъаналарига амал қилган ҳолда маҳкумга сўнгти сўз ҳам

беришди. Суд баённомасида ёзилишича, К.Болтаевнинг сўнгти сўзи: “1931 йилгача ҳалол ишлаганман” дейиш бўлган эмиш (!?).

1956 йил қўпчилик қаторида К.Болтаевнинг иши ҳам қайта қўришга топширилди. Шу муносабат билан 1956 йил 20 апрель куни сўроққа чақирилган яна бир тоталитар тузумнинг қатағонлари жабрдийдаси Собира Холдорова қуидагиларни ҳикоя қиласди: “Карим хоразмлик йигит эди, улар эрим Мўмин Усмонов билан Москвада бирга ўқиганлар. Улар Тошкентга қайтгач ҳам алоқани узмаганлар. Бизнинг улар билан доимо яхши оилавий борди келдимиз бўлган. Карим Болтаев маданиятли, босиқ, айни пайтда жуда меҳнатсевар, ғайратли инсон эди. Мен унинг жиноятчи бўлганига ҳеч қачон ишонмайман”, дейди.

1956 йил 21 апрель куни сўроққа чақирилган Нури Мўминов (1900): “мен у киши билан Ер ишлари ҳалқ комиссарлигида бирга ишладим... Мен оддий ходим бўлганман. Карим Болтаев жуда босиқ одам эди, деб ўйлайман. Баъзан мажлисларда уни юқоридагилар унга ҳеч бир тегишли жойи бўлмаган камчиликлар билан ҳам танқид этишарди. Карим Болтаев бошқаларнинг айби учун гап эшитса ҳам уларга индамас, парво ҳам қилмас эди. Бунчалик ҳоксор, ҳамкасбларига ғамхўр яхши раҳбарни ҳеч кўрмаганман. Умуман, мен у инсоннинг ёмон томонини ўзи кўрмаганман. Ҳалигача у одамнинг нега қамалганлигини тушунмайман”, дейди.

Шодиева Тожихон: “... мен 1927-1930 йилларда Ўзкомпартия марказий қўмитасида хотин-қизлар бўлимининг раҳбари бўлганман. Ўша вақтда К.Болтаев ҳам бир муддат Марказқўмда ишлаган эди. Мен сўнгти йилларда Москвага ўқишига кетганим боис, у кишининг кейинги фаолиятидан хабарим йўқ. Аммо, мана шу қисқа вақт ҳам К.Болтаев менда жонкуяр, ватанпарвар инсон, иқтидорли раҳбар, умуман яхши одам сифатида таассурот қолдирган эди”, дейди.

1956 йил 27 апрель куни Жаҳон Обидова (1900, Тошкент шахри, Куйбишев тумани, Уездная кўчаси 18 уйда яшаган. Бу пайтда тамаки фабрикасининг директори бўлган): “Карим Болтаев 1930 йилдан ЎзССР Ер

ишлари халқ комиссари бўлган эди. У қисқа вақтда жуда катта ишларни амалга ошириди. Айниқса, маданиятли, интизомли, меҳнаткаш раҳбар сифатида ўзини кўрсата олди. Шу туфайли орден олди, СССР МИҚ аъзоси этиб сайланди. Мен бу пайтда иш вазифам тақозоси билан Самарқанд, Бухоро, Фарғона вилоятларида кўп бор К.Болтаев билан бирга ишлашимга тўғри келган. У раҳбар сифатида оддий одамлар билан ниҳоятта тез чиқишиб кетар эди. Боиси, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини жуда яхши биларди, умуман баҳосиз одам эди. Йигинларни жуда яхши ўтказарди. Тўғриси, мен одамлар билан ишлашда кўп нарсани К.Болтаевдан ўрганганман. 1935 йил мен Москвага Ўзбекистоннинг доимий вакили этиб тайинландим. Кейин К.Болтаев нима учун ишдан кетган, нима учун қамоқقا олинган булардан хабарсиз эканман”, дейди.

Қайта кўриб чиқиш жараёнида Карим Болтаевнинг ҳам бошқалар сингари фақат қуруқ тухмат асосида маҳв этилганлиги ўз исботини топди. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси 1956 йил 23 июн санаси билан Карим Болтаевнинг оқланганлиги эълон қилинди. Афсуски, бу хушхабар на унинг рафиқаси ва на фарзандларига етказилди. Шу тариқа яна бир ўзбек фарзанди, Карим Болтаевдек содик ва ҳоксор инсон тоталитар тузумнинг машъум қатағон сиёсати қурбонига айланди. Бироқ, уни билган, уни таниган инсонлар узоқ йиллар унинг хотирасини қалбларининг тўрида сақладилар. Дарҳақиқат, халқ ўзининг фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмайди.

Манба: Б.Ирзаев, Ю.Раҳмонова. Хоразм вилояти Хотира китоби(71-76бет).